

3.5 Агар «Таъминотчи» мазкур шартномада белгиланган миқдордаги маҳсулотни етказиб бермаса ёки «Ташкилот» нинг сифатсиз маҳсулотларини алмаштириб бериш ҳақидаги талабларини бажармаса белгиланган тартибда қушимча келишувга асосан бекор қилиниши мумкин.

4 МАХСУЛОТЛАР БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1 Шартноманинг умумий қиймати 68 250 000 (Олтмиш саккиз миллион икки юз эллик минг) сумни ташкил этади.

4.2 Олинган маҳсулотлар учун туловлар «Ташкилот» томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

4.3 Шартнома кучга кириб, тегишли газначилик тизимидан руйхатдан утгандан сунг беш банк иш кунида «Ташкилот» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30% изи олдиндан аванс тарикасида «Таъминотчи» нинг ҳисоб рақамига утказиб беради.

4.4 Колган охириги 70% изи «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотлар ҳисоб-варақ фактуралари асосида 90 кун ич ида утказиб беради.

4.5 «Ташкилот» томонидан 30% изи олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг «Таъминотчи» 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада курсатилган миқдорда ва нархларда маҳсулотларни «Ташкилот» га етказиб беради.

4.6 Нархлардаги ҳар қандай узғаришлар шу жумладан бозор нархларининг узғариши хом ашё ва материаллар нархларидаги узғаришлар, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг узғариши ёки бошқалар сабабли маҳсулотлар баҳосининг узғариши тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилади ва ушбулар тугрисида шартномага қушимча келишув киритилади.

5 МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1 «Таъминотчи» етказиб бериладиган маҳсулотнинг талаб ва стандартларга мос келишини қафолатлайди.

5.2 «Ташкилот» сифат ва яроқлик сертификатлари булмаган маҳсулотларни қабул қилмайди.

6 МАХСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА КАБУЛ ҚИЛИШ

6.1 Маҳсулотни қабул қилишда «Ташкилот» уни миқдори, сифати, ассортиментини ва руйхатини «Таъминотчи» томонидан берилган маҳсулот етказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ҳисоб-фактура), ушбу шартнома ҳамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

6.2 Маҳсулотни қабул қилиш якуни бўйича «Ташкилот» қабул қилиш далолатномасини тузади. Ташкилот томонидан далолатноманинг имзоланиши қабул қилинаётган маҳсулотнинг текширилганлигини билдиради.

7 ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

7.1 «Таъминотчи» маҳсулот етказиб беришда шартноманинг 2.1- бўлимида белгиланган шартларни бузганда, яъни маҳсулот етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборса, тулик етказиб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тулайди. Лекин туланадиган пеня суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар умумий суммасининг 50 фоизидан ортмаслиги керак.

«Таъминотчи» томонидан жунатилган маҳсулотларга оид тулов ва маҳсулот етказиб берилганлиги тугрисидаги бошқа ҳужжатлар уз вақтида, яъни маҳсулот билан бирга «Ташкилот» га такдим этилмаса ҳар бир ҳолат учун етказиб берилмаётган маҳсулот қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тулайди.

7.2 «Таъминотчи» томонидан маҳсулотлар уз вақтида белгиланган талаблар асосида етказиб берилганда «Ташкилот» уларни асоссиз равишда қабул қилмаса, қабул қилинмаган маҳсулотнинг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган маҳсулотлар бўйича 10 фоиз миқдорида жарима тулайди.